

**АКАДЕМИК Ш. АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/01.04.2023.Tib.160.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДЖАБЛАЕВА ДИНАРА НАМАЗОВНА

**ОИЛАВИЙ СИЛ ЎЧОҚЛАРИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРДА ЛАТЕНТ
ТУБЕРКУЛЕЗ ИНФЕКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТИББИЙ-
ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Аджаблаева Динара Намазовна

Оилавий сил ўчоқларида яшовчи

болаларда латент туберкулез инфекцияси

ривожланишининг тиббий-ижтимоий омиллари..... 3

Аджаблаева Динара Намазовна

Медико-социальные факторы развития

латентной туберкулезной инфекции

у детей в очагах семейного туберкулеза..... 25

Adjablaeva Dinara Namazovna

Medical and social factors of development

of latent tuberculosis infection in children

from family foci of tuberculosis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
DSc.04/01.04.2023.Tib.160.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДЖАБЛАЕВА ДИНАРА НАМАЗОВНА

**ОИЛАВИЙ СИЛ ЎЧОҚЛАРИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРДА ЛАТЕНТ
ТУБЕРКУЛЕЗ ИНФЕКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТИББИЙ-
ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.1. PhD/Tib2527-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгашнинг интернет саҳифасида (www.tbcenter.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Парпиева Наргиза Нусратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Халматова Барно Турдиходжаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Соипова Нодира Сагдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/01.04.2023.Tib.160.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил « » куни соат дақиқасида бўлиб ўтади (Манзил: 100086, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Мажлисий кўчаси, 1- уй. Тел./факс: +998 71-278-02-09, +998 71 278- 15-28; e-mail: tbcenter.uz@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2025 йил « » куни тарқатилди.
(2025 йил « » дақиқасида рақамли реестр баённомаси).

А.С. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Абдуганиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва аҳамияти. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) "End TB" стратегияси доирасида 2035 йилга бориб сил касаллигидан ўлим даражасини 95% га ва биринчи марта аниқланган фаол сил беморларнинг частотасини 90% га камайтиришни мақсад қилган¹. Болалар учун организмда латент ва фаол сил инфекцияси мавжудлигини ўз вақтида аниқлаш ҳозирги вақтда ЖССТ жаҳон ҳамжамияти орасида сил каби юқумли патологияни бартараф этиш стратегиясининг устувор йўналиши ҳисобланади. ЖССТнинг 2023 йилги ҳисоботида кўра, дунё аҳолисининг учдан бир қисми латент сил инфекциясининг ташувчилари ҳисобланади, сон жиҳатидан бу 2,3 миллиардга тенг. Шу сабабли, бу ҳолат латент сил касаллигини эрта ташхислаш ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштириш нуқтаи назаридан чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини, шунингдек, касалликнинг латент шаклининг кейинчалик фаол маҳаллий шаклига ўтишига мойиллик яратувчи омилларни ўрганиш муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болаларда латент туберкулёз инфекциясини (ЛТИ) эрта аниқлаш, касалликнинг маҳаллий клиник шаклларга ўтиб кетиш хавфини баҳолаш, оилавий туберкулёз ўчоқларида эпидемиологик назоратни кучайтириш ва самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Оилавий туберкулёз ўчоқларида болалар соғлиғини ҳимоя қилиш, инфекциянинг ижтимоий-биологик хавфини пасайтириш ва касалликнинг эпидемиологик назоратини кучайтириш бугунги кун тиббиётининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада, туберкулёз инфекциясининг болаларда яширин кечишига таъсир этувчи иммунологик, ижтимоий ва эпидемиологик омилларни чуқур ўрганиш, хусусан IL-2, IFN-γ ва IL-4 каби цитокинларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш, юқори хавф гуруҳларини аниқлашда замонавий иммунологик ва молекуляр тестлардан фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, ЛТИнинг локал шаклини авж олиб касалликни фаол маҳаллий шаклига ўтиб кетиш хавфини бартараф қилиш мақсадида, болаларга мос профилактик даво схемаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва тиббий ёрдам тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан, эрта ташхис қўйиш орқали сил касаллигининг асоратларини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари шакллантирилди, шу жумладан мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, даволашнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш, патронаж ва диспансер

¹ The End TB strategy. Global strategy and targets for tuberculosis prevention, care and control after 2015. The official text approved by the Sixty seventh World Health Assembly, May 2014. Available at: https://www.who.int/tb/strategy/End_TB_Strategy.pdf.

хизматларининг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш каби жабхалар такмомилаштирилишига маълум даражада хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»¹, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022–2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», ҳамда 2023 йил 21 январдаги ПҚ-12-сонли «2023–2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорларида бирламчи тиббий ёрдами муассасалари фаолиятидаги механизмларнинг самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу диссертацион тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI устувор "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Латент туберкулёз инфекциясининг (ЛТИ) педиатриядаги долзарблиги унинг кенг тарқалганлиги, ташхис қўйишдаги қийинчиликлар ва фаол шаклга ўтиш хавфи билан белгиланади. Бир қатор тадқиқотлар натижасида дунё аҳолисининг 25% гача қисми латент шаклда туберкулёз микобактериялари билан зарарланганлиги аниқланган. Маълумотларга кўра, силнинг фаол туралари билан касалланган одам билан мулоқотда бўлган шахсларнинг 4%да фаол туберкулёз ривожланади, бунда ҳолатларнинг 92%ида касаллик мулоқотдан кейинги биринчи йил ичида юзага келади (Won E.J. ва ҳаммуаллифлар, 2017).

Болалар популяцияси латент туберкулёз инфекциясининг локал ва фаол шаклга ўтиш хавфи юқорилиги билан тавсифланади. Бу маълумотлар эрта скрининг ва профилактиканинг аҳамиятини таъкидлайди. Латент туберкулёз инфекциясининг фаол шаклга ўтишида асосий хавф омиллари инфекция манбаи билан мулоқот давомийлиги, ноқулай турмуш шароити ва беморнинг даволанишга нисбатан паст даражада риоя қилиши ҳисобланади (Laghari M. ва ҳаммуаллифлар, 2019). ЛТИни аниқлаш учун қўлланиладиган замонавий диагностика усуллари – туберкулин синамалари ва IGRA тестлари чекланган сезгирликка эга бўлиб, поствакцинал ҳолатни, иммун тизимининг ёшга боғлиқ хусусиятларини ва эпидемиологик юкламани ҳисобга олмайди. Шу сабабли, IL-2, IFN- γ , IP-10 каби аниқроқ иммунологик маркерларни диагностик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон « Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

аҳамиятини ўрганиш зарурати туғилади. Хорижий муаллифлар ЛТИнинг таъхис ва иммунологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишган. Бир қатор систематик таҳлиллар ва мета-тадқиқотлар интерлейкин-2 (IL-2) биомаркерининг латент туберкулёз инфекциясини (ЛТИ) фаол туберкулёз шакллари ҳамда инфекция йўқ ҳолатлардан дифференциациялашда юқори прогностик ва диагностик қийматга эга эканини тасдиқлаган (Xia Q. ва ҳаммуаллифлар, 2020; Essone P.N. ва ҳаммуаллифлар, 2019; Mamishi S. ва ҳаммуаллифлар, 2020; Esmail H. ва ҳаммуаллифлар, 2023). IL-2 биомаркерининг сезгирлиги 83% гача, махсуслиги эса 95% гача бўлиб, ушбу кўрсаткичлар уни болаларда латент туберкулёз инфекциясини аниқлашда қўшимча иммунологик биомаркер сифатида қўллаш имконини беради. Шу билан бирга, IFN-γ ва IL-4 каби бошқа цитокинлар ҳам ЛТИнинг фаол шаклга ўтиши хавфини баҳолашда комплекс диагностик ёндашувларни шакллантириш учун ўрганилмоқда (Barcellini L. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Meier N.R. ва ҳаммуаллифлар, 2018; Talat N. ва ҳаммуаллифлар, 2017). Won E.J. тадқиқот натижаларига кўра, IL-2 ни бошқа биомаркерлар билан бирга қўллаш ЛТИ ва фаол туберкулёзни фарқлашда IFN-γ дан ҳам самаралироқ натижа бериши таъкидланиб ўтилган (Won E.J. ва ҳаммуаллифлар, 2017).

Россия ва МДХ мамлакатларида латент туберкулёз инфекциясига оид тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, мавзуга оид бўлган мавжуд нашрлар сони чекланган ва масаланинг барча жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган. Шу билан бирга, охириги йилларда болаларда ЛТИ муаммосига қизиқиш ортиб бормоқда. Бир қатор ишларда оилавий туберкулёз ўчоқларида инфицирланиш хавфини шакллантирувчи омиллар — мулоқотнинг давомийлиги ва хусусияти, беморнинг даволанишга бўлган муносабати, санитар-гигиеник ва ижтимоий шароитлар батафсил ёритилмоқда (Машурова О.О., Драчева Н.А., 2018; Шарапова Г.Ш., 2018; Слащева Д.М. ва ҳаммуаллифлар, 2022). Латент туберкулёз инфекцияси ривожланиши хавфини баҳолашда эпидемиологик, ижтимоий ва ташкилий омилларни қамраб олган комплекс ёндашув зарурлиги тадқиқотларда алоҳида таъкидланган (Беян Ж.Е., Буйневич И.В., Гопоняко С.В., 2017). Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига юқори сезгирлик ва аниқликка эга бўлган IGRA, Диаскинтест каби иммунологик тестларни жорий этиш зарурлиги бир қатор тадқиқотларда таъкидланган (Старшинова А.А. ва ҳаммуаллифлар, 2019). Сўнгги маълумотларга кўра, оилавий туберкулёз ўчоқларининг 67% да микобактерияларнинг дорига чидамлилиги ва қоникарсиз санитария шароити мавжуд бўлган ҳолларда ЛТИнинг фаол шаклга ўтиш хавфи 17 баробаргача ошиб кетиши мумкин (Салова А.Л. ва ҳаммуаллифлар, 2024).

Ўзбекистонда ҳам болаларда латент туберкулёз инфекцияси муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аниқланганидек, мультirezистент ва кенг резистент — микобактериялар билан зарарланган шахслар мавжуд бўлган оилавий ўчоқларда яшовчи болаларда фаол туберкулёз шаклининг ривожланиш хавфи, дорига сезгир штаммлар билан контактда бўлган болаларга нисбатан 4–5 бараварга юқори бўлади (Ташпулатова Ф.К., Бекембаева Г.С., 2020). Бактерия ажратувчи беморлар

билан узоқ муддатли эпидемиологик мулоқотда бўлган болаларни эрта аниқлаш ва уларни диспансер кузатувиغا олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда (Шамшиева Н.Н., 2025). Мавжуд тадқиқотлар медико-биологик омиллар организмнинг номахсус иммун ҳимоя механизмларини сусайтириши орқали латент туберкулёз инфекциясининг фаол шаклга ўтишини рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлайди (Рустамова С.А., 2025). Шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари шифокорларининг ЛТИни эрта аниқлаш ва баҳолашдаги иштироки етарли даражада эмаслиги, шунингдек иммунологик биомаркерлар (жумладан, IL-2) асосидаги махсус профилактикага оид маҳаллий тадқиқотлар етишмаслиги ҳам қайд этилган.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-текшириш ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университети тадқиқотларининг асосий йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оилавий сил ўчоқларида яшовчи болалар орасида замонавий иммунологик тестларни жорий этиш ва тиббий-ижтимоий хавф омилларини таҳлил қилиш орқали болаларда латент сил инфекциясини ташхислашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Шаҳар ва вилоят сил касаллигига қарши диспансерлар шароитида замонавий иммунологик синамалардан фойдаланиб, оилавий сил инфекцияси ўчоқларида ЛТИ частотасини аниқлаш;

Сил касаллигининг оилавий ўчоқларидан бўлган ЛТИ билан касалланган болаларда иммунологик кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларнинг прогностик аҳамиятини асослаш;

Сил касаллигининг оилавий ўчоқларидан бўлган болаларда ЛТИ нинг нафас олиш аъзоларининг фаол сил касаллигига ўтишидаги тиббий-ижтимоий хавф омилларини аниқлаш;

Сил касаллигининг оилавий ўчоқларида яшовчи ЛТИ билан касалланган болаларда сил касаллиги ривожланиш хавфини баҳолашнинг прогностик моделини ишлаб чиқиш ва уни умумий даволаш тармоғига ҳамда сил касаллигига қарши диспансерларга татбиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази ҳамда Самарқанд шаҳар силга қарши диспансерига мурожаат қилган 4-12 ёшли 670 нафар бола олинган.

Тадқиқот предмети нафас олиш аъзолари сили шубҳа қилинган беморларнинг веноз қони, қон зардоби ва балғами ташкил этган.

Тадқиқот усуллари: умумклиник, иммунологик, иммунофермент, рентгенологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилояти оилавий сил ўчоқларида истиқомат қилувчи болалар орасида латент туберкулёз инфекциясининг иммун статус ва тиббий-ижтимоий хавф омиллари интеграцияси таъсирида 17,9%да учраши аниқланган.

оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулез инфекциясининг локал шаклга ўтиш хавфини башорат қилишда IL-2 ($\geq 251,1$ ng/ml) ва IgM ($\geq 1,18$ ME/ml) чегаравий қийматларининг прогностик ўрни илк бор аниқланган.

латент туберкулёз инфекцияси билан касалланган болаларда - қўшимча овқатланишни эрта бошлаш, оилада кўп болалик, тўлиқ бўлмаган оилада яшаш, туберкулёзнинг ҳудудий ўчоғи, ЎРВИ, гижжа инвазияси, сувчечак билан касалланиш, изониазид билан монокимиотерапия, Covid-19 ўчоғида яшаш каби омиллар локал туберкулёз ривожланишининг предикторлари эканлиги аниқланган.

илк бор оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда тиббий- ижтимоий хавф омиллари ва иммунологик статус хусусиятлари асосида ишлаб чиқилган латент туберкулёз инфекциясини локал силга ўтишнинг прогностик модели аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Латент туберкулёз инфекцияси мавжуд болаларда маҳаллий туберкулёз шаклини ривожланиш хавфини баҳолаш учун интерлейкинлар (IL-2, IL-4, IFN- γ), иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG), INF- γ /IL-2 нисбати, ҳамда эпидемиологик, тиббий-биологик ва ижтимоий хавф омилларини қамраб олган юқори хавф индикаторлари ишлаб чиқилган;

Латент туберкулёз инфекциясининг маҳаллий шаклга ўтишини башорат қилиш учун бирламчи тиббий бўғин шифокорлари (оилавий шифокорлар) ва фтизиопедиатрлар амалиётида фойдаланиш учун мўлжалланган математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, латент туберкулез инфекцияси ривожланишининг клиник, патогенетик механизмлари таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти латент туберкулёз инфекциясига чалинган ва сил касаллигининг оилавий ўчоқларида яшаётган болаларда аниқланган иммунологик кўрсаткичлар хусусиятлари ҳамда белгилаб берилган тиббий-ижтимоий хавф омиллари, диспансер кузатуви тугагандан сўнг 12–24 ой мобайнида ушбу инфекциянинг маҳаллий туберкулёз шаклига ўтиш эҳтимолини баҳолашда прогностик қийматга эга бўлиб, бу ҳолат латент инфекция патогенези ва иммунодиагностикаси бўйича илмий тасаввурларни чуқурлаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти латент туберкулёз

инфекциясининг фаол шаклга ўтишида юқори хавфни башорат қилувчи индикаторлар ва прогностик модел ишлаб чиқилиб, уларни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда силга қарши диспансерлар амалиётида қўллаш имкони яратилди, бу эса оилавий ўчоқлардаги болаларда силни эрта аниқлаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш, шунингдек уларни кузатишда клиник ва ташкилий ёндашувларни такомиллаштириш ва педиатрик фтизиатрияда касалланиш ҳолатларини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулез инфекцияси ривожланишининг тиббий-ижтимоий омиллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Самарқанд вилояти оилавий сил ўчоқларида истиқомат қилувчи болалар орасида латент туберкулёз инфекциясининг иммун статус ва тиббий-ижтимоий хавф омиллари интеграцияси таъсирида 17,9%да учраши аниқланганлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 25.12.2024 йилдаги 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулёз инфекциясининг локал силга ўтиш хавфини башорат қилиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ушбу янгилик Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқ) ва Жиззах вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 4-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 март 13/29-сон ҳулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: латент туберкулёз инфекциясининг аниқланган тарқалиш даражаси оилавий сил ўчоқларидаги болаларни юқори хавф гуруҳи сифатида ажратиш, уларни ўз вақтида тиббий кузатув ва профилактик тадбирлар билан қамраб олиш орқали болаларда туберкулёзнинг клиник шакллarga ўтиши ҳолатларини камайтириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: латент туберкулёз инфекциясининг тарқалиш даражаси (17,9%) аниқланганлиги профилактик текширувлар, скрининг ва мақсадли кимёпрофилактика чора-тадбирларини аниқ хавф гуруҳидаги болаларга йўналтириш имконини берди ва бир нафар бемор учун ўртача 5100000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулез инфекциясининг локал шаклга ўтиш хавфини башорат қилишда IL-2 ($\geq 251,1$ ng/ml) ва IgM ($\geq 1,18$ ME/ml) чегаравий қийматларининг прогностик ўрни илк бор аниқланганлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 25.12.2024 йилдаги 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулёз инфекциясининг локал силга ўтиш хавфини башорат қилиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* мазкур янгилик Навоий вилояти

фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқ) ва Жиззах вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 4-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 март 13/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* IL-2 ва IgM кўрсаткичларининг чегаравий қийматларини прогностик мезон сифатида қўллаш касалликларнинг оғир шакллари ривожланишининг замонавий олдини олишга, шунингдек, боланинг локал ва фаол сил билан касалланишининг олдини олиш ва шу билан унинг саломатлигини сақлаш бўйича даволаш чора-тадбирлари тактикасини аниқлашга ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* бир нафар болани туберкулёзнинг оғир шаклидан даволаш учун сарфланадиган маблағлар (5100000 сўм) ўрнига, эрта профилактик таъхис ва даволашда 1500000 сўм етарли бўлди ва 3600000 сўм давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: латент туберкулёз инфекцияси билан касалланган болаларда - қўшимча овқатланишни эрта бошлаш, оилада кўп болалик, тўлиқ бўлмаган оилада яшаш, туберкулёзнинг ҳудудий ўчоғи, ЎРВИ, гижжа инвазияси, сувчечак билан касалланиш, изониазид билан монокимиотерапия, Covid-19 ўчоғида яшаш каби омиллар локал туберкулёз ривожланишининг предикторлари эканлиги аниқланганлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 25.12.2024 йилдаги 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулёз инфекциясининг локал силга ўтиш хавфини башорат қилиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий тадқиқотнинг амалиётга жорий қилиниши:* ушбу Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқ) ва Жиззах вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 4-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 март 13/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* оилавий туберкулёз ўчоқларида яшовчи Латент туберкулёз инфекцияси бор болаларда маҳаллий туберкулёз ривожланишининг предикторлари аниқланиши уларни юқори хавф гуруҳи сифатида ажратиш ва мақсадли профилактика чораларини ўз вақтида қўллаш орқали болалар соғлиғини сақлаш ва аҳоли ўртасида касаллик тарқалишини камайтиришга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* чора-тадбирларини аниқ хавф гуруҳидаги болаларга йўналтириш имконини берди ва бир нафар бемор учун ўртача 5100000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда тиббий- ижтимоий хавф омиллари ва иммунологик статус хусусиятлари асосида ишлаб чиқилган латент туберкулёз инфекциясини локал силга ўтишнинг прогностик модели аниқланганлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 25.12.2024 йилдаги 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда латент туберкулёз инфекциясининг локал силга ўтиш хавфини башорат қилиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. *Илмий*

тадқиқотнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 10-сонли буйруқ) ва Жиззах вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (13.01.2025 йилдаги 4-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 март 13/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* латент сил инфекциясини ўтказган оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда локал сил ҳолатлар ривожланишини башорат қилиш прогностик моделини ишлаб чиқиш, болаларда ушбу ҳолатларнинг шаклланиши олдини олиш учун персоналлаштирилган профилактик чоратadbирларни ўз вақтида амалга ошириш имконини берди. Бу эса ўз навбатида болалар орасида локал сил ҳолатлар даражасини сезиларли равишда пасайтирган. *Иқтисодий самарадорлиги:* оилавий сил ўчоқларида яшовчи болаларда эрта ёшда ва кейинги даврларида латент туберкулёз инфекциясини локал силга ўтишнинг олдини олиш натижасида амбулатор ва стационар даволаниш харажатларини камайтириш имконини берган. Бу эса амбулатор-поликлиника хизматига ва стационарга мурожаатлар сонини 2-3 бараварга қисқариши ҳисобига бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини синаб кўриш. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий- амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 118 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва тадқиқот ўтказишга бўлган талаб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Латент туберкулёз инфекцияси замонавий долзарб муаммоси сифатида**" деб номланган биринчи бобида болаларда фаол ва латент туберкулёз инфекцияси муаммосининг долзарблиги тўғрисидаги маълумотлар, болалар ва ўсмирларда туберкулёз инфекциясининг замонавий ўчоқлари ва туберкулёз ривожланишининг хавф омиллари тўғрисидаги маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари, оилавий сил

ўчоқларида яшовчи болалар ва ўсмирлар орасида латент туберкулёз касаллигини эрта аниқлашнинг замонавий ёндашувлари, латент туберкулёз инфекцияси билан касалланган болаларда сил касаллигининг фаол шакллари олдани олишни оптималлаштиришда превентив даволашнинг роли кўрсатилган.

Диссертациянинг **"Беморларнинг клиник хусусиятларини баҳолаш материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, клиник-инструментал, лаборатор, иммунологик тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. STROBE халқаро стандартига мувофиқ равишда ретроспектив-проспектив когорт тадқиқот Самарқанд вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази, шаҳар силга қарши диспансери базасида 2021-2024 йиллар давомида ўтказилди. Тадқиқотга 4-12 ёшли 670 нафар бола киритилган.

Тадқиқотимизнинг биринчи босқичида биз Диаскинтест билан ўтказилган синама натижаларини таҳлил қилдик ва натижаларга кўра, болалар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: I гуруҳ (соғлом) - латент ёки фаол сил касаллиги белгилари бўлмаган 273 нафар бола (40,7%). Бу гуруҳдаги болаларда PPD-L 2 TE билан ўтказилган туберкулин синамаси мусбат натижа кўрсатган, аммо IGRA тестлари ва Диаскинтест синамаси манфий натижа берган. Шунингдек, уларда локал туберкулезга хос клиник-рентгенологик белгилар ҳам аниқланмаган. II гуруҳга латент туберкулёз инфекцияси (ЛТИ) билан касалланган 120 (17,9%) нафар бемор киритилган бўлиб, уларда PPD-L 2 TE туберкулин синамаси, QuantiFERON ва Diaskintest тестларининг натижалари ижобий бўлган, аммо фаол туберкулёз жараёнининг клиник-рентгенологик белгилари аниқланмаган; III гуруҳга (маҳаллий туберкулёз) эса нафас олиш аъзоларининг фаол туберкулёзи билан касалланган 277 (41,4%) нафар бола киритилган.

4-6 ёшли болалар гуруҳида (мактабгача ёшдагилар) - 204 бола (30,4%), шунингдек, 7-9 ёшлилар (кичик мактаб ёши) -292 (43,6%) устунлик қилиши аниқланди. 55,2% (370) болаларда ёндош патологиянинг мавжудлиги аниқланди. БСЖ-1 билан эмлаш 484 (72,3%) болада самарали, 169 (25,2%) болада кам самарали, 17 (2,5%) болада самарасиз бўлгани қайд этилган. 245 (36,6%) нафар болада ортиқча тана вазни, 33 (4,9%) нафарида семизлик, 49 (7,3%) нафар текширилган болада озиб кетганлик қайд этилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи сил инфекцияси ўчоқларида яшовчи ЛТИ билан касалланган болаларни 12-24 ой давомида кузатишни, шунингдек, ЛТИни фаол сил жараёнига ўтказиш хавф омилларини таҳлил қилишни ўз ичига олди. Болалар 2 та таққослаш гуруҳига бўлинди: I гуруҳга ЛТИ нинг нафас олиш аъзоларининг локал туберкулёзига ўтиши кузатилган 40 нафар бола киритилди; II гуруҳга ЛТИ бўйича диспансер кузатуви тугаган пайтдан бошлаб 12-24 ой давомида ЛТИ нинг локал туберкулёзга ўтиши кузатилмаган 80 нафар бола киритилди.


Тадқиқотнинг учинчи босқичида оилавий сил ўчоғида яшовчи болаларда ЛТИнинг маҳаллий шаклга ўтиш хавфини баҳолашнинг прогностик моделини ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Иммунологик статус, организмнинг туберкулёз антигенларига сенсбилизациясини баҳолаш PPD-L 2 ТЕ туберкулин синамаси ва Диаскинтест препарати синамаси ёрдамида ўтказилди. Quantiferon® Gold препарати беморнинг бутун қон ҳужайраларининг ESAT-6 ва CFP-10 рекомбинант оқсиллари билан стимулланганидан сўнг gamma-interferon ажратиб чиқариш қобилиятини аниқлаш учун қўлланилди. Болаларда периферик қон зардобиди IFN- γ , IL-2, IL-4 миқдорини аниқлаш учун иммунофермент таҳлили қўлланилди.

Инструментал нур ташхиси кўкрак қафаси аъзоларининг умумий рентгенографияси, компьютер томографияси (КТ), кўкрак қафаси аъзоларининг мултиспирал компьютер томографияси (МСКТ) дан иборат бўлди.

Маълумотлар статистик таҳлили SPSS Statistics 29.0.2 дастурида олиб борилди. Нормал тақсимотга эга белгилар учун Стъюдент (t) критерийи, бошқа ҳолларда Манн–Уитни (U), Краскал–Уоллис (H) ва χ^2 (Пирсон) тестлари қўлланилди. Бинар белгилар учун нисбий хавф (RR), шанслар нисбати (ОШ) 95% ишончли интервал (CI) билан ҳисобланди. ЛТИнинг локал силга ўтиши омилларини таҳлил қилиш ва прогностик модел яратиш учун логистик регрессия усули ишлатилди, баҳолаш Вальд критерийи ва стандартлаштирилган коэффицентлар орқали амалга оширилди. Модель сифатини ROC-таҳлил ёрдамида (сезгирлик, махсуслик, AUC) баҳоланди.

Диссертациянинг **"Оилавий сил ўчоғида яшовчи латент туберкулёз инфекцияси билан касалланган болаларда иммунологик ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари"** деб номланган учинчи бобидадиагностик синама ва тестлар натижалари ҳамда латент туберкулёз инфекцияси фониди иммунологик ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.



1-расм. Ўрганилган гуруҳларда Манту синамаси натижаларининг қиёсий таҳлили

Текширилган болаларнинг I гуруҳида II гуруҳ вакиллари ($p < 0,05$, $\chi^2=7,86$) ва III гуруҳ болалари ($p < 0,05$, $\chi^2=7,11$) натижаларига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ паст сезувчанлик аниқланди. Бу болалар ўртасида туберкулинодиагностикасига кўра туберкулёзнинг паст аниқланишидан далолат беради. Соғлом болаларнинг I гуруҳида Манту синамасининг нормергик натижалари бўлган болалар сони устунлик қилди (50,6%, 138), худди шундай ҳолат II гуруҳда (52,5%, 63) ва текширилганларнинг III

гурухида (53,4%, 148), ушбу натижалар статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмади. ТВ билан PPD-L синамаси юқори натижалари II (38,3%, 46) ва III (40,5%, 112) гуруҳларда қайд этилди, аммо бу гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли бўлмади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, I гуруҳдаги соғлом болаларнинг 1/3 (23,8%, 66) нафарида PPD-L туберкулинига юқори сезувчанлик қайд этилган (1-расм).

Quantiferon IGRA-тести қўлланилган тадқиқот жараёнида 22 беморда (5,5%) Диаскинтестга мусбат реакция қайд этилган, бироқ Quantiferon тести натижалари манфийлиги қайд этилган. Ушбу когортада асосий касалликка ёндош бўлган патология таҳлил қилинди, натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Диаскинтест синамаси мусбат, Quantiferon тестлари эса манфий бўлган болаларда ёндош патологиянинг структураси

Ёндош патология	(n=22)	
	Абс.	%
Жами	20	90,9
Анамнезда аллергологик патология	12	54,5
ЛОР -патология	4	18,2
Неврологик патология	2	9,1
Семизлик кўринишидаги метаболик бузилишлар	14	63,6
Тез-тез ва узок касалланувчи болалар	4	20,9

1-жадвал маълумотларига кўра, 22 нафар боладан 20 нафарида (90,9%) ҳамроҳ патология аниқланган. Диаскинтест ва Quantiferon натижаларида фарқ бўлган ҳар бешинчи бемор тез-тез касалланувчиларга тегишли бўлиб, ЛОР патологиясига эга эди. Уларнинг кўпчилигида аллергик (54,5%) ва метаболик бузилишлар (63,6%) қайд этилган.

110 нафар болада IgA, IgG, IgM даражаларини аниқланди, шунингдек цитокин профили (IL-2, IL-4, IFN-γ)нинг қиёсий таҳлили амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилган болалар гуруҳларида IgA, IgG, IgM иммуноглобулинлар титрлари

Иммуноглобулинлар		I гуруҳ (n=34)	II гуруҳ (n=31)	p ₁	III гуруҳ (n=45)	p ₂
IgA	M±m (DI 95%)	65,7±4,2 (60,1-68,4)	50,3±8,47 (44,4-53,1)	-	54,1±3,58 (53,8-55,1)	-
IgG	M±m (DI 95%)	69,3±4,5 (64,9-73,1)	59,2±3,88 (54,9-57,9)	-	81,7±2,98 (79,4-82,4)	<0,01
IgM	M±m (DI 95%)	0,89±0,33 (0,75-1,02)	1,19±0,11 (0,93-1,17)	-	0,86±0,05 (0,84-0,97)	<0,05

Изоҳ: p₁- болаларнинг 1- ва 2- гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, p₂ текширилган болаларнинг 2- ва 3- гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги.

2-жадвалга кўра, гуруҳлар ўртасида IgA титрлари бўйича фарқлар аниқланмади, аммо соғлом болаларда юқори кўрсаткичлар тенденцияси кузатилди. IgG ва IgM даражалари бўйича сезиларли фарқлар аниқланди: ЛТИ бўлган болаларда (II гуруҳ) IgG юқори, силнинг фаол шаклларида (III гуруҳ) IgM даражаси устунлик қилди.

ЛТИ бўлган болаларда (II гуруҳ) IL-2 ва IFN-γ даражаси соғломларга (I гуруҳ) қараганда сезиларли даражада юқори эди, IL-4 бўйича фарқлар аниқланмади. II ва III гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар йўқ эди, аммо ЛТИ билан оғриган болаларда барча ўрганилган кўрсаткичлар соғлом ва силнинг фаол шакллари билан оғриган беморларга қараганда юқори эди (3-жадвал).

3-жадвал.

Текширилган болаларнинг цитокин профили

Цитокинлар		I гуруҳ (n=34)	II гуруҳ (n=31)	p ₁	III гуруҳ (n=45)	p ₂
IL-2	M±m (DI 95%)	139,2±121,4 (101,3-177,1)	325±250,1 (251,6-377,1)	<0,001	275,7±204,2 (234,8-341,4)	-
IL-4	M±m (DI 95%)	1,66±1,1+22 (1,31-2,07)	2,37±1,27 (1,94-2,49)	-	1,77±1,19 (1,38-2,24)	-
IFN-γ	M±m (DI 95%)	17466,1±8911,7 (14660- 20250,4)	22862±10812 (18660- 25255,4)	<0,001	20812±11061 (18614,4- 24150,6)	-


Изоҳ: p₁- болаларнинг 1- ва 2- гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, p₂ текширилган болаларнинг 2- ва 3- гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги.

Биз текширган болаларнинг иммунологик профилини таҳлил қилиш IL-2, IL-4 интерлейкинлари, IFN-γ титрининг ошишини, шунингдек, IgM даражасининг ўсиш тенденциясини аниқлашга имкон берди, бу соғлом болалар гуруҳида (II гуруҳ) ва силнинг фаол шакллари билан оғриган болалар гуруҳида (III гуруҳ) кузатилмади.

Шундай қилиб, умумий даволаш тармоғи муассасаларига мурожаат қилган болалар орасида латент сил инфекциясини аниқлаш даражаси паст бўлиб қолмоқда, бу кўп ҳолларда туберкулин синовларининг шубҳали ва манфий натижалари билан боғлиқ. Бундай беморларнинг ярмидан кўпида иммунологик тестлар натижасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамроҳ касалликлар кузатилади. Аниқланишича, аллергия касалликлар ва метаболик бузилишлар (семизлик) Диаскинтест натижаларининг талқинини ўзгартириши мумкин. 2 ТЕ билан ўтказилган туберкулин синамаси ЛТИ ва фаол сил билан касалланган болаларда ўхшаш натижаларни кўрсатди. Шу билан бирга, гуморал жавобда фарқлар кузатилди: фаол сил формаларида IgG устун бўлса, ЛТИ ҳолатларида IgM юқори бўлди. Қолаверса, ЛТИ бўлган болаларда IL-2, IL-4 ва IFN-γ миқдорининг ошиш тенденцияси қайд этилди, бу эса уларнинг иммунологик реактивлигидаги ўзига хосликларни акс эттиради.

Диссертациянинг "**Сил ўчоғидаги болаларда латент туберкулез инфекцияси ва унинг локал силга ўтиш омиллари**" деб номланган тўртинчи бобида сил ўчоғида яшовчи болаларда (n=120) ЛТИнинг фаол силга

ўтиш хавф омилларининг, шунингдек, уларнинг 12-24 ойдан кейин динамикада текширувининг таҳлили ўтказилган (2-расм).



2-расм. ЛТИ аниқланганидан 12-24 ой ўтгач, ЛТИ бўлган болаларни қўшимча текшириш натижалари

Болалар 2 гуруҳга бўлинган. "ЛТИнинг локал силга ўтиши" 1-гуруҳда 40 нафар бола текширилди, ўртача ёши $7,80 \pm 2,643$ ёшни ташкил этди. 2-гуруҳда "ЛТИ локал силга ўтмаган" 80 нафар бола текширилди. Ушбу гуруҳдаги ўртача ёш $7,85 \pm 2,568$ ёшни ташкил этди.

1-гуруҳга га кирувчи ЛТИ билан касалланган болаларда нафас олиш аъзоларининг локал сил шаклларига ўтиш кузатилган асосий клиник шакл силли бронхоаденит бўлди. Шундан 17,5% (7) ҳолатда жараённинг фаол фазаси (инфильтрация), 22,5% (9) ҳолатда орқага ривожланиш ва зичлашиш фазаси аниқланди. Ҳолатларнинг ярмидан кўпида – 60,0% (24) – жараён қолдиқ посттуберкулёз ўзгаришлари фазасида бўлган. 7,5% (3) ҳолатда сил жараёнининг асоратлари кузатилди.

4-жадвалда 1- ва 2-группа болаларда Диаскинтест натижалари – дастлабки мурожаат пайтида ва превентив химиотерапия тугагандан кейин 12–24 ой ўтгач – келтирилган.

4-жадвал.

Текширилган гуруҳларда Диаскинтест билан синама натижалари (мм)

Иммунологик синама	1-гуруҳ «локал силга ўтган ЛТИ» n=40		2-гуруҳ «локал силга ўтмаган ЛТИ» n=80	
	Келганида	ПКТ дан сўнг 12-24 ой ўтгач	Келганида	ПКТ дан сўнг 12-24 ой ўтгач
Диаскинтест	$17,3 \pm 0,4$	$22,5 \pm 0,3$	$20,9 \pm 0,4$	$12,9 \pm 0,5$

1-гуруҳ болаларида ПХТ натижасида ва у тугаганидан 12-24 ой ўтгач, папула ҳажмининг ўсиши қайд этилган, 2-гуруҳ болаларида эса папула ҳажмининг пасайиш тенденцияси кузатилган.

1-группа болаларида дастлаб IL-2 даражаси пасайган бўлиб, бу кўрсаткич 2-группа болаларига нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли равишда паст эди ($259,1 \pm 183,4$ ng/ml ва $317,1 \pm 233,1$ ng/ml мос равишда; $p < 0,0001$). Шунингдек, 1-группа болаларида иммуноглобулин М даражаси 2-группа болаларига нисбатан юқори бўлган ($1,24 \pm 0,23$ ME/ml ва $1,08 \pm 0,07$ ME/ml мос

равишда; $p < 0,0001$) (5-жадвал).

5-жадвал.

ЛТИнинг локал туберкулёзга ўтишига қараб интерлейкинлар ва иммуноглобулинларнинг ўртача даражаси

Интерлейкинлар	1-чи гуруҳ $n=31$	2-чи гуруҳ $n=38$	p
IL-2; ng/ml	$259,1 \pm 173,7$	$317,1 \pm 174,1$	$<0,0001$
INF- γ ; ng/ml	21173 ± 9578	22875 ± 10833	$>0,05$
IgM (ME/ ml)	$1,24 \pm 0,23$	$1,08 \pm 0,07$	$<0,0001$
INF- γ /IL-2	$66,55 \pm 0,25$	$88,58 \pm 0,08$	$>0,05$

Изоҳ: p - болаларнинг 1- ва 2-гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги


6-жадвал

ЛТИ локал туберкулёзга ўтган болаларда интерлейкинлар ва иммуноглобулинлар кўрсаткичларининг ROC таҳлили

Кўрсаткичлар	Чегаравий қиймат	AUC	Se (%)	Sp (%)
IL-2 (ng/ml)	$\geq 251,1$	0,775	78,9	72,3
INF- γ (ng/ml)	$\geq 20874,2$	0,238	0	100
IgM (ME/ ml)	$\geq 1,18$	0,674	65,8	66,0
INF- γ /IL-2	$\geq 63,22$	0,536	61,2	54,2

Изоҳ: p - болаларнинг 1- ва 2-гуруҳлари о'ртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, AUC – Maydon ostidagi egri chiziqliq (Area Under the Curve), Se (%) – Sezgirlik (Sensitivlik), Sp (%) – Xususiylik (Spesifiklik)

Сил инфекцияси ўчоқларида яшовчи ЛТИ билан касалланган болаларда маҳаллий сил ривожланишини башорат қилишда қуйидагилар диагностик аҳамиятга эга: IL-2, диагностик чегара даражаси $\geq 251,1$ нг/мл, сезувчанлик 78,9% ва ўзига хослик 72,3%, бунда AUC-ROC ни аниқлаш тестнинг яхши диагностик аниқлигини кўрсатди (AUC = 0,775) (3-расм). IgM нинг диагностик чегара даражаси ўртача сезувчанлик 65,8% ва ўзига хослик 66%ни ташкил этди, AUC-ROC чегара диагностик даражаси (AUC=0,674).



3-расм. Таққосланган гуруҳларда IL-2 (AUC=0,775) ва IgM (AUC=0,674) даражасининг диагностик самарадорлигининг ROC эгри чизиғи

Биз текширган болалар яшаган ўчоқлар хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида аниқланишича, беморларнинг 1-гурухида бактерия ажратувчи беморлар билан мулоқот устунлик қилади, бу 2-гурухга қараганда статистик жиҳатдан юқори - 77,5% ва 45,0% ($IN=3,141$, $95\%ISHI=1,444-8,071$, $\chi^2=4,133$, $p=0,043$). 2-гурухда эса ҳолатларнинг ярмида сил микобактерияларини ажратмайдиган инфекция манбаи билан мулоқот кузатилган бўлиб, бу ҳам 1-гурухга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори - 22,5% ва 55,0% ($IN=3,141$, $95\%ISHI=1,444-8,071$, $\chi^2=8,348$, $p=0,004$).

Дорига чидамлилиқ спектри таҳлилида манбаларнинг кўпчилиги силга қарши дори воситаларига сезгирлиги сақланганлиги аниқланди (мос равишда 70,9% ва 83,3%, фарқлар ишончли эмас). МЛУ-ТБ 1-гурух болаларида 19,4% ва 2-гурухда 11,1% ҳолларда, ШЛУ-ТБ эса 6,5% ва 5,6% ҳолларда қайд этилди. 1-гурухда кўпроқ она билан яқин оилавий контакт (55,0%) кузатилган бўлса, 2-гурухда эса бошқа қариндошлар билан (53,8%) контакт устунлик қилди. 2 нафар соғлом болада манба бактерия ажратмаган ака-укалари бўлган.

ЛТИ билан касалланган болаларда локал жараённинг ривожланишида ижтимоий хавф омилларининг таъсирини баҳолашда қуйидаги омилларнинг ўзгартирувчи роли аниқланди: тўлиқ бўлмаган оилада яшаш ($NX 11,000$, $95\%ISHI=81,254-1,489$, $IN=14,793$, $95\%ISHI=121,143-1,806$, $\chi^2=9,804$, $p=0,002$), кўп фарзандли оила ($NX 3,667$, $95\%ISHI=11,162-1,105$, $IN=4,678$, $95\%ISHI=18,337-1,193$, $\chi^2=5,54$, $p=0,0019$), ота-оналарнинг чекишни суиистеъмол қилиши ($NX 2,333$, $95\%ISHI=4,453-1,223$, $IN=3,807$, $95\%ISHI=10,017-1,447$, $\chi^2=7,680$, $p=0,006$), "боланинг болалар жамоасига уюшмаган"лиги ($NX 2,500$, $95\%ISHI=5,786-1,080$, $IN=3,400$, $95\%ISHI=9,996-1,156$, $\chi^2=5,230$, $p=0,023$), қониқарсиз уй-жой-маиший шароитларнинг мавжудлиги ($NX 2,111$, $95\%ISHI=4,089-1,090$, $IN=3,116$, $95\%ISHI=1,184-0,494$, $\chi^2=5,495$, $p=0,020$), иккала ота-онада ҳам барқарор даромад манбаининг йўқлиги ($NX 9,414$, $95\%ISHI=72,359-1,225$, $IN=12,091$, $95\%ISHI=104,854-1,394$, $\chi^2=7,457$, $p=0,007$), оиланинг кам таъминланганлиги ($NX 3,556$, $95\%ISHI=6,451-1,960$, $IN=13,778$, $95\%ISHI=40,282-4,712$, $\chi^2=26,467$, $p<0,001$) каби омиллар жараёни фаоллаштиришга сезиларли ҳисса қўшади.

ЛТИни локал туберкулёзга ўтишининг энг муҳим ва модулятсияловчи хавф омилларидан онанинг анамнезида токсикозлар мавжудлиги ($NX 3,182$, $95\%ISHI=5,334-1,898$, $IN=18,455$, $95\%ISHI=59,229-5,750$, $\chi^2=29,463$, $p<0,001$) ва ушбу болада ҳомиладорликни тўхташ хавфи ($NX 3,750$, $95\%ISHI=10,318-1,363$, $IN=5,400$, $95\%ISHI=18,205-1,620$, $\chi^2=8,352$, $p=0,004$), камқонлик ($NX 1,250$, $95\%ISHI=1,460-1,071$, $\chi^2=8,889$, $p=0,003$), сил касаллиги бўйича оғирлашган ирсият ($NX 3,667$, $95\%ISHI=12,162-1,105$, $IN=4,678$, $95\%ISHI=18,337-1,193$, $\chi^2=5,541$, $p=0,019$) каби хавф омиллари муҳим ва ишончли аҳамиятга эга бўлиши аниқланди. Аниқланишича, модификатсияловчи хавф омиллари қўшимча овқатланишни эрта бошлаш ёки сунъий овқатланишга эрта ўтиш бўлиб ($NX 5,750$, $95\%ISHI=15,125-2,186$, $IN=12,176$, $95\%ISHI=40,766-3,637$, $\chi^2=20,182$, $p<0,001$), бола ҳаётининг биринчи йилида ЎРВИ билан касалланган ($NX 5,000$, $95\%ISHI=10,682-2,340$, $IN=17,000$, $95\%ISHI=52,360-5,519$, $\chi^2=29,091$, $p<0,001$), бир йилда кўп марта

(камида 5) респиратор вирусли инфекциялар, яъни ушбу боланинг тез-тез ва узок вақт касал бўлган болалар тоифасига мансублиги (NX 1,625, 95%ISHI=2,529-1,0440, IN=2,786, 95%ISHI=18,337-1,193, $\chi^2=5,541$, $p=0,019$), шунингдек, боланинг оғирлашган аллергологик анамнези (NX 4,500, 95%ISHI=12,162-1,105, IN=4,678, 95%ISHI=6,889-1,125, $\chi^2=5,013$, $p=0,026$) модификатсияловчи хавф омиллари сифатида таъкидланади.

Профилактик эмлашларга боғлиқ хавфларни таҳлил қилишда ўзига хос хавф омили сифатида БЦЖ эмлашнинг паст самарадорлиги тасдиқланди (NX 3,000, 95%ISHI=7,898-1,296, IN=4,667, 95%ISHI=14,455-1,507, $\chi^2=7,813$, $p=0,006$).

Текширилган болаларда сил жараёни фаоллашувининг модификатсияловчи соматик хавф омиллари сифатида гижжа инвазияси (NX 3,667, 95%ISHI=12,162-1,105, IN=4,678, 95%ISHI=18,337-1,193, $\chi^2=5,541$, $p=0,019$), камқонлик (NX 1.773, 95%ISHI=2,357-1,334, IN=31,909, 95%ISHI=255,522-3,985, $\chi^2=19,948$, $p<0,001$), сийдик-таносил тизими касалликлари (NX 8,000, 95%ISHI=61,045- 1,048, IN=9,750, 95%ISHI=82,111-1,158, $\chi^2=6,135$, $p=0,014$) намоён бўлди.

Ишончли аҳамиятли модификацияловчи эпидемиологик хавф омиллари сифатида ЛТИнинг локал туберкулёзга ўтишида инфекция манбаи боланинг онаси бўлган ҳолатлар (NX = 4,500, 95%ISHI = 1,037–19,536; IN = 5,516, 95%ISHI = 1,090–27,430; $\chi^2 = 5,165$; $p = 0,024$) ёки отаси (NX = 2,000, 95%ISHI = 1,024–3,906; IN = 2,818, 95%ISHI = 1,069–7,426; $\chi^2 = 4,528$; $p = 0,034$), инфекция манбаида ноқонуний меҳнат миграцияси мавжудлиги (NX = 2,167, 95%ISHI = 1,281–3,663; IN = 4,333, 95%ISHI = 1,696–11,069; $\chi^2 = 9,825$; $p = 0,002$) ёки бактерия чиқариши (NX = 1,550, 95%ISHI = 1,090–2,204; IN = 3,444, 95%ISHI = 1,310–9,058; $\chi^2 = 6,545$; $p = 0,011$), шунингдек инфекция манбаи госпитализация қилинганидан кейин якуний дезинфекциянинг ўтказилмаганлиги (NX = 3,429, 95%ISHI = 1,671–37,036; IN = 7,071, 95%ISHI = 2,519–19,851; $\chi^2 = 15,221$; $p < 0,001$) ва Covid-19 ўчоғида яшаш, агар касалликка она (NX = 3,250, 95%ISHI = 1,671–37,036; IN = 7,071, 95%ISHI = 2,519–19,851; $\chi^2 = 15,221$; $p < 0,001$) ёки ота (NX = 8,000, 95%ISHI = 1,671–37,036; IN = 7,071, 95%ISHI = 2,519–19,851; $\chi^2 = 15,221$; $p < 0,001$) чалинган ҳолларда, белгиланди.

